

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САЙФИЛЛАЕВА ДИЛФУЗА КАХРАМОНОВА

**АБУ ҲОМИД ҒАЗЗОЛИЙНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ
ҚАРАШЛАРИ**

09.00.03 – Фалсафа тарихи

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по философским наукам**

**Content of the abstract dissertation of the doctor of Philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

| | |
|--|----|
| Сайфиллаева Дилфуза Кахрамоновна Абу Ҳомид Ғаззолийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари | 3 |
| Сайфиллаева Дилфуза Кахрамоновна Социально-философские взгляды Абу Хамида Газали..... | 19 |
| Sayfillaeva Dilfuza Kaxramonovna The social-philosophical views of Abu Hamid Ghazali | 35 |
| Список опубликованных работ Эълон қилинган ишлар рўйхати List of published works | 39 |

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САЙФИЛЛАЕВА ДИЛФУЗА КАХРАМОНОВНА

**АБУ ҲОМИД ҒАЗЗОЛИЙНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ
ҚАРАШЛАРИ**

09.00.03 – Фалсафа тарихи

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Fal239 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Бухоро давлат университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Сафарова Нигора Олимовна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хажиева Мақсуда Султановна
фалсафа фанлари доктори, профессор
Хошимхонов Мўмин Хошимхонович
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “___” _____соат ___даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел (99866) 239-13-87; факс: (99866) 239-11-40 e-mail: rector@samdu.uz Самарқанд давлат университети, Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№___рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел (99866) 239-13-87; факс (99866) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2020 йил “___” _____кунида тарқатилди.
(2020 йил “___” _____даги ___рақамли реестр баённомаси).

С.К.Каримов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Х.А.Джуракулов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа доктори (PhD), фалсафа ф.б.

С.А.Чориев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичида инсоният кўплаб ўз ечимини топмаган янги хавф-хатар ва таҳдидларга дуч келмоқда. Бу глобал муаммоларни олдини олиш ва уларнинг ечимини излаш бугунги кунда муҳим конструктив масалага айланди. Айниқса, жаҳонда ёшларни «маънавий қашшоқлик», «ахлоқий тубанлик» каби иллатлардан ҳимоя қилиш умумдунёвий характерга эга бўлиб, бутун дунё халқлари манфаатларига тааллуқлидир. Бунда эса буюк мутафаккирларнинг илмий-маърифий мероси аҳоли, хусусан, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан камол топтиришда муҳим тарбиявий ўринга эгадир. Айниқса, уларнинг инсон шаъни ва ориятини ҳимоя қилувчи инсонпарварлик, хурфикрлилик ва бағрикенглик ғояларини ёш авлодга етказиш орқали таълим-тарбия бериш, уларни маърифатга етаклаш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, уларнинг маънавий мероси бугунги ўзгаришлар жараёнини меъёрлаштириш, умуминсоний қадриятларни сақлаб қолиш учун гуманистик аҳамиятга эгадир.

Жаҳон илмий-фалсафий мероси тараққиётида мутафаккирларнинг тинчликпарвар фаолияти, илмий-маънавий, ахлоқий концепциялари, гуманистик ижтимоий ғоялари борасида турли халқаро илмий марказлар томонидан мақсадли илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, буюк мутафаккирларнинг қарашларидаги ижтимоий-ахлоқий категорияларнинг (ватанпарварлик, инсонпарварлик, миллатпарварлик, ахлоқийлик) маданий ва маърифий аҳамияти, маънавият тизимидаги тутган ўрни бўйича олиб борилаётган фундаментал тадқиқотлар диққатга сазовордир. Чунки умуминсоний маданий қадриятларни ривожлантиришда, ёшларнинг ғоявий-маънавий дунёқарашини кенгайтиришда, тинчлик ва осойишталикни қарор топтиришда буюк мутафаккирларнинг илмий, диний, ижтимоий-фалсафий ғояларидан унумли фойдаланиш масаласи долзарб тадқиқот объекти бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган барча соҳалардаги кенг қамровли ислохотлар билан бир қаторда буюк алломаларнинг илмий-маънавий меросини илмий нуқтаи назардан ўрганиш ва уни тарғиб этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. «Биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, уларнинг ғояларини теран англаган ҳолда, қатъий ислохотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз».¹ Бу борада Абу Ҳомид Ғаззолийнинг ёш авлодни халқимиз маънавий меросига ҳурмат, она юртимиз қадриятларига садоқат руҳида тарбиялашга қаратилган илмий меросининг концептуал моҳиятини тизимли равишда тадқиқ қилиш объектив заруриятдир.

Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2017 йилнинг 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи // <http://www.press-service.uz/uz/lists/view/>

ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» номли устувор йўналишга мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. XIX аср охирларида Европада Ғаззолий ижодиётига қизиқиш янада ошиб борди. Немис тадқиқотчиси Р.Гуше «Ғаззолий ҳаёти ва ижоди» китобида Ғаззолийнинг 40 та асари ҳақида айтиб ўтган, Д.Б.Макдоналд эса ўзининг 1899 йилда чоп этилган «Америка шарқшунослари тўплами» журналида «Ғаззолий ҳаёти» мақоласида унинг 72 та асари ҳақида айтиб ўтган. В.Р.Гарднер «Ғаззолий ижоди» асарида Ғаззолийнинг баъзи асарларини таҳлил қилган. Яна бир ғарб олимларидан бири француз тадқиқотчиси Г.Лауст¹ ўзининг «Сиёсат ва Ғаззолий» (Политика и Газали) асарида Ғаззолийнинг ахлоқ борасидаги қарашларини таҳлил қилган. Бундан ташқари япониялик олим Кожиро Накамура ўзининг докторлик диссертациясида Ғаззолийнинг гносеологик қарашларини ёритган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги олимлари қаторида тасаввуф таълимотининг мазмун-моҳияти, тасаввуфда инсон камолоти масалаларини ёритишда қуйидаги фундаментал тадқиқотчилар: О.Ф.Акимушкин², В.В.Бартольд, А.А.Семёнов, Дж.С.Трименгэм, Ф.Розенталь, В.Л.Вяткин, Г.М.Керимов, М.Т.Степанянц, А.Д.Кныш, Э.Карл, М.Абубақр, Ж.М.Абдулжалил, М.Б.Боус, Э.Табарий, Н.С.Кирабаев³, В.В.Наумкин, П.С.Таранов, А.А.Шамолов томонидан алломанинг ижтимоий, диний, рационал ва фалсафий қарашлари таҳлил қилинган ва ўрганилган.

Мустақиллик йилларида алломанинг баъзи қарашлари А.Азизкулов, М.Н.Болтаев, И.Ҳаққулов, Р.Исоқжонов, М.Имомназаров, Н.Комилов, Г.Наврўзова, М.Баратов, М.Хайруллаев, О.Файзуллаев, Ҳ.Алиқулов, Р.Носиров, Б.Тураев, Қ.Назаров С.К.Каримов, Х.Ю.Саломова, Н.О.Сафарова, Г.Юнусова, А.Мадраимов, Ф.Д.Музаффаровларнинг илмий ишларини алоҳида таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ.⁴

Тилшунос олимларлардан М.Эшмуҳаммедова, Ш.Сирожиддинов, Ҳ.Ҳомиди, шарқшунос олим М.Қодиров каби илм - фан намояндалари томонидан Ғаззолийнинг илмий мероси қайта кўриб чиқилган.

¹Laost H. La politique de Ghazali. P., 1970.

²О.Ф.Акимушкин. (от учеников и коллег) Мудрость суфиев. - Санкт Петербург.: Азбука, 2001. С. 187.

³Н.С. Кирабаев Проблема человека в доктрине аль-Газали: Дисс. канд. филос.наук. Москва, 1979. – 162 с.

⁴ Ф.Д. Музаффаров Ғаззолийнинг инсон ҳақидаги таълимотининг илмий-фалсафий асослари. Диссертация автореферати. - Самарканд: 2019.

Бирок, тадқиқотларда Ғаззолий маънавий ва илмий меросининг тарбиявий аҳамияти, оила, никоҳга оид диний ва ижтимоий-фалсафий қарашлари ўрганилмаган. Мазкур тадқиқотда мутафаккирнинг оилани мустаҳкамлаш, ёшларни баркамол қилиб тарбиялашга оид ижтимоий-сиёсий ва тасаввуфий ғояларини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган Олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2017-2018 йилларга мўлжалланган ЁА-1-9 рақамли «Аҳолининг турли қатламларида психологик хизмат кўрсатиш амалиёти» грант лойихаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Абу Ҳомид Ғаззолий илмий меросининг ёшлар тарбиясидаги маънавий-маърифий ва ижтимоий-ахлоқий ўрнини асослаб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Абу Ҳомид Ғаззолийнинг ҳаёти, ижоди ва дунёқарашига таъсир қилган тарихий-маданий ва ижтимоий омилларни тадқиқ этиш;

Абу Ҳомид Ғаззолийнинг «Ихёи улум ад-дин», «Насихат ул-мулк», «Макасид ал-фаласифа» асарларини таҳлил қилиш асосида онтологик ва гносеологик ғояларини очиб бериш ва шу орқали мутафаккир меросини фалсафий аҳамиятини кўрсатиш;

Ғаззолийнинг жамият ижтимоий тизимига оид қарашларини ўрганиш; «Насихат ул-мулк» асаридаги ҳукмдор ижтимоий роли ва маънавий қиёфасига оид мутафаккирнинг ижтимоий-ахлоқий ғояларини ёритиш;

Абу Ҳомид Ғаззолий маънавий-ахлоқий қарашларининг ёшларда ғоявий-тарбиявий иммунитетни шакллантиришдаги аҳамиятини очиб бериш;

мутафаккирнинг аёл, унинг ахлоқий қиёфаси ҳақидаги қарашларини ҳозирги кунда оилани мустаҳкамлашдаги аҳамиятини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти Абу Ҳомид Ғаззолийнинг илмий-маънавий ва фалсафий мероси бўлган «Ихёи улум ад-дин», «Насихат ул-мулк», «Макасид ал-фаласифа», «Уйланиш одоби» асарлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Абу Ҳомид Ғаззолий илмий меросининг баркамол инсонни тарбиялашдаги маънавий моҳиятини ва унинг ривожланиш хусусиятларини тадқиқ этиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тизимли таҳлил, анализ ва синтез, қиёсий ўрганиш, объективлик, тарихийлик ва мантиқийлик бирлиги каби илмий усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Абу Ҳомид Ғаззолийнинг «Насихат ул-мулк» асарида илгари сурилган ҳукмдор ва унинг ижтимоий роли (қонун ва ахлоққа риоя қилиш), маънавий қиёфаси (эзгулик, эътиқодлилик, меҳрлилик, вафо) ва ижтимоий фаоллигига доир қарашларининг тинчлик ва барқарорликни таъминлашдаги конструктив аҳамияти мантиқий асосланган;

Абу Ҳомид Ғаззолий ижтимоий-фалсафий меросининг гуманистик моҳияти XI–XII асрлардаги ақидапарастлик, мазҳабчилик сингари ғоявий-

мафкуравий манбалар ва тарихий шарт-шароитлар (ислом софлиги учун кураш) асосида аниқлаштирилган;

Абу Ҳомид Ғаззолийнинг жамият ижтимоий тузулмасини кўрсатувчи фалсафий концепцияси ҳамда унинг асарларидаги ижтимоий ўзликни англаш, ижтимоий ҳамжиҳатлилик ва ижтимоий толерантлик каби ахлоқий тамойилларнинг ёшлар тарбиясидаги маънавий бағрикенглик (ўзгаларга нисбатан меҳр-мурувват, саҳийлик, кенг феъллик) ва ватанпарварлик (ватан тақдири учун жавобгарлик)нинг бунёдкорлик моҳияти очиб берилган;

Абу Ҳомид Ғаззолийнинг «Уйланиш одоби» асарида ўша давр мусулмон аёлининг жамиятдаги ўрни, оиладаги роли сабр-қаноат, нафси енгил, жавонмардлик сингари инсон комиллиги мезонлари ҳамда ахлоқий поклик тамойиллари воситасида очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Абу Ҳомид Ғаззолийнинг асарларида илгари сурилган инсонпарварлик, ижтимоий фаоллик, оилавий муносабатларни тартибга солиш, маънавий баркамолликка эришиш каби методологик аҳамитга эга ғояларини ижтимоий институтлар фаолиятига жорий этиш мумкинлиги асослаб берилган;

Абу Ҳомид Ғаззолийнинг илмий-маънавий меросидан фалсафа, диншунослик, маънавият асослари каби фанларни ўқитиш жараёнида фойдаланиш бўйича илмий хулосалар ишлаб чиқилган;

тадқиқот натижаларидан ҳар бир соҳада ҳалоллик ва бағрикенглик, меҳнатсеварлик, тадбиркорликка йўналтирилган илмий асосланган дастурлар ишлаб чиқишда қўллаш мумкинлиги асосланган;

Абу Ҳомид Ғаззолийнинг илмий-маърифий ва маънавий-ахлоқий ғояларидан таълим-тарбия ва ижтимоий амалиётда кенг фойдаланишга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари ҳамда ОАК рўйхатидаги миллий ва хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, монографиялар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ва олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда мураккаб тизимлардаги ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёнларини билишга оид илмий-назарий, фалсафий қарашларни тўлдириши ва кенгайтириши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, жамият тараққиётини белгилайдиган муайян ижтимоий лойиҳаларни, инновацион ишланмаларни яратишда, ижтимоий институтлар фаолиятида қўлланиладиган усул ва воситалар самарадорлигини оширишда, шунингдек, давлат миқёсидаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда ҳамда ижтимоий фанлар доирасида ўқув қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Абу Ҳомид Ғаззоллий маънавий меросида жамиятнинг фалсафий таҳлилини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Абу Ҳомид Ғаззолийнинг ҳукмдор ҳамда унинг маънавий қиёфаси ва ижтимоий ролига доир илмий-назарий тақлиф-тавсияларидан Ўзбекистон Миллий университетида 2015-2017 йилларда бажарилган «Демократик ислохотларда ўзбек моделининг концептуал масалалари таҳлили ва изчил ривожланишнинг назарий-методологик асослари» мавзусидаги А-1-163 рақамли амалий лойиҳанинг учинчи босқичидаги «Таракқиёт модели-ривожланиш ва ислохотлар жараёнининг асоси» деб номланган бандининг ижросини таъминлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 29 сентябрдаги 89-03-3276-сон маълумотномаси). Бу эса, амалий лойиҳа доирасида Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсий соҳадаги ислохотлар самарадорлигини оширишга ва лойиҳанинг самарали бўлишига хизмат қилган;

Ғаззолийнинг ижтимоий-фалсафий қарашларини шакллантирган тарихий шарт-шароитлар ва ғоявий манбалар илмий методологик позициядан умуминсоний қадриятлар нуқтаи назаридан ишлаб чиқилган илмий таҳлил ва хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмитанинг «Мир Араб» мадрасасида фалсафа, этика ва мантиқ фанларидан ўқув қўлланмаларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмитанинг 2019 йил 11 мартдаги 1291-сон маълумотномаси). Натижада, давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда давлат ва жамоатчилик назоратини олиб боришнинг самарали механизмларини ва амалиётини ривожлантиришга хизмат қилган;

Абу Ҳомид Ғаззоллийнинг жамият тўғрисидаги тушунчаси, унинг ижтимоий структураси ва жамиятга берилган фалсафий таҳлилига оид умумлаштирувчи хулосаларидан Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг «Жаҳон тамаддуни дурдоналари», «Замондош», «Асрларнинг асраганлари», «Менга сўз беринг», «Ассалом, Бухоро» телекўрсатувларини ва «Бухоро» радиосининг «Мулоқот ва мунозара», «Қадриятлар қадим бешиги» радиоэшиттиришлар сценарийсини тайёрлашда унумли фойдалинилган (Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг 2018 йил 12 декабрдаги 01-578-сон маълумотномаси). Натижада, кўрсатувларнинг илмий-оммабоплигини таъминлашга, телетомошабинларда тарихий хотира ва миллий маънавиятни юксалтиришга, Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатни кучайтиришга хизмат қилган.

аёл ҳамда унинг ахлоқий қиёфаси, жамиятдаги ижтимоий роли ва аҳамиятини кўрсатиб берувчи ғояларига оид концептуал тақлиф-тавсиялари ва хулосаларидан Ўзбекистон «Миллий Тикланиш» демократик партиясининг 2019 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар Дастурининг «Партиянинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий, ташкилий, аёллар ва ёшлар соҳаларидаги вазифалари доирасидаги амалий ва тарғибот – ташвиқот фаолияти» деб номланган III бўлимнинг 3.5 бандидаги «Депутат билан юзма-юз» ва 3.6 бандидаги «Жисмоний ва руҳий баркамоллик сари» мавзусидаги

тадбир дастурларини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон «Миллий Тикланиш» демократик партиясининг 2019 йил 5 октябрдаги 01-617-сон маълумотномаси). Натижада, илмий-амалий тадбирларни амалга оширишга, мамлакатимиз ёшларининг интеллектуал ва илмий салоҳиятини шакллантиришга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 12 та республика ва халқаро аҳамиятга эга бўлган илмий амалий конференцияларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола (жумладан, 6 та республика ва 1 та хорижий журналда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Диссертациянинг ҳажми 122 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва унга бўлган эҳтиёж асосланиб, кўрсатилган муаммонинг ўрганилганлиги ва илмий янгилиги асосланган, мавзунинг республика илм-фан ва техника ривожланишининг устувор йуналишларига мос келиши кўрсатилган, шунингдек, тадқиқот объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари белгиланган, эришилган натижаларнинг илмий - амалий аҳамияти, амалиётга қўлланилиши, апробацияси, чоп этилган материаллар тўғрисидаги маълумот баён этилган.

Диссертациянинг биринчи бобида «**Абу Ҳомид Ғаззолийнинг ҳаёт йўли ва маънавий мероси шаклланишининг ижтимоий - тарихий шарт-шароитлари**» давлат ғояси танлашда ҳамда давлат сиёсатини танлашда қийин ва танг ахволда қолган Араб халифалиги тарихий шарт-шароит ҳукмдорлари, ислом дини ислоҳотларига бош бўлгувчи шахс бўлмиш Ғаззолий ижоди, бой илмий мероси тадқиқ этилган.

Ўша даврда мавжуд бўлган ғоявий оқимлар аллома ижодиётида ўзига хос из қолдирганлиги, унинг дунёқараши учун пойдевор бўлган ва ижодиёти давомида бундай ҳолат билан яшаб бўлмаслиги, баъзида эса бунга қарши чиққанлиги ёритиб берилган. Абу Ҳомид Ғаззолий яшаб ижод этган давр ўрта аср деб аталади. Мутафаккир ҳаёти XI-XII асрларни қамраб олади.

XI асрни тарихчи В.В. Бартольд «мусулмон маданиятининг энг гуллаган даври ва унинг қулаш даврининг бошланиши»¹ деб айтади. Бу гал ҳам шахристонликлар (эски типдаги шаҳарлар) янги тур ўтганлиги маълум бўлди. Бу вақтда шаҳарда сотувчилар яшарди, йўллар четда бозорлар

¹ Бартольд В.В. Работы по истории ислама и Арабского Халифата. Т. VI. «Восточная литература», РАН. Москва: 2002, 183 Б.

жойлашган эди, шу билан бирга бозорлар кесишган жойда асосий масжид бор эди. Йирик шаҳарларда ноиблар яшар эди, шу билан бирга бу ерда давлат корхоналари жойлашган эди. Ишлаб чиқариш ва ҳукумат масалаларида араблар ҳали ҳам босиб олган халқларига мурожаат қилар эдилар. В.В. Бартольд таъкидлаганидек, арабларнинг назорати шаҳар ҳаётининг ривожланиши ва шаҳарларнинг ўзгариши тарихда яхши маълумдир. «Муайян вилоят меъморий турлари яқинлашиш ва умуман маданий қадриятлар алмаши, лекин Ўрта Осиё турк сулоласи ютуқлари таъсир эта олмади, Салжуқ авлодлари XII асрда барча забт форс ва аста-секин, фақат қисқа вақт давомида бўлса-да, Хитой чегараларига ўз олий ҳокимияти остида бутун мусулмон Осиё ва қизил денгизлар бирлашган».² Ғаззолийнинг ҳаёти ва ижоди ўрта аср тарихининг Араб халифалиги, яъни Салжуқийлар ҳукмронлигиги даврининг кам ўрганилган даврига тўғри келади. XI асрда деҳқонлар кўзғолонида пасайиш кузатилди. «Бу даврда араб халифалигининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги энг муҳим ҳодисалардан бири кўчманчи туркларнинг катта оммавий давлат ҳудудига келиши бўлди. Туркман – ўғуз авлодларидан бири – Салжуқийлар кейинчалик Халифалик ҳудудида қудратли давлат тузди».³ Бу даврда давлат шаҳар ҳаёти, савдо ва саноатни ривожлантириш чораларини кўрди. Салжуқийлар даври шеърият ва илм-фан ҳомийлари бўлганлиги билан ҳам ажралиб туради. Уларнинг даврида кўплаб олим ва шоирлар асарлар ёзганлар.

Салжуқийлар диндор мусулмонлар (суннийлар) бўлиб, улар шиаликни йўқотишга ҳаракат қилиб, бунга вазир ва мамлакатдаги амалдаги ҳукмдор Низом ул-Мулк (1063-1092 йй.) томонидан кўллаб-қувватланган Абу Ҳомид Ғазоллийнинг фаолияти ҳам қаратилган эди. Булар иқтисодий ва маданий юксалиш йиллари бўлди. Низом ул-Мулк илм-фан, адабиёт ва санъатнинг ҳомийси эди. У Басра, Ҳирот, Нишопур, Бухоро, Самарқанд ва Бағдодда диний мактаблар (Низомия) очган.⁴ Товар-пул муносабатларининг ривожланишига ҳисса қўшган савдо-сотикнинг ривожланиши савдо ва ҳунармандчилик қатламларининг бойишига ва аҳолининг қолган қисмининг қашшоқлашувига олиб келди. Бу сафар ҳам каттиқ диний кураш даври бўлиб, турли секталарнинг фаолиятини жадаллаштирди, улар томонидан бошқа ақидалардан қабул қилинган қарашларни эътироф этди. Унинг фаолияти ва кўп сонли асарлари ислом динининг ҳимоясига қаратилган эди.

Ғаззолийнинг ҳаёти ва ижоди ўрта аср тарихининг Араб халифати, яъни Салжуқийлар ҳукмронлигиги даврига тўғри келади. XII асрда деҳқонлар кўзғолонида пасайиш кузатилди. «Бу даврда араб халифалигининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги энг муҳим ҳодисалардан бири кўчманчи туркларнинг катта оммавий давлат ҳудудига келиши бўлди. Туркман-ўғуз авлодларидан бири - Салжуқийлар кейинчалик Халифалик

¹ Бартольд В.В. Работы по истории ислама и Арабского Халифата. Т. VI. «Восточная литература», РАН. Москва: 2002, 184 Б.

² Абу Хамид ал-Газали. Воскрешение наук о вере. Перевод с арабского, исследование и комментарий В.В. Наумкина. М. 1980. 17 Б.

³ Ўша ерда. 19 Б.

худудида қудратли давлат тузди».¹ Бу даврда давлат шаҳар ҳаёти, савдо ва саноатни ривожлантириш чораларини кўрди. Салжуқийлар даври шеърият ва илм-фан ҳомийлари бўлганлиги билан ҳам ажралиб туради. Уларнинг даврида кўплаб олим ва шоирлар асарлар ёзганлар. Салжуқийлар диндор мусулмонлар (сунналар) бўлиб, вазир Низом ул-Мулк (1063-1092 йй.). томонидан тайинланган Абу Ҳомид Ғазоллийни қўллаб-қувватладилар. Булар иқтисодий ва маданий юксалиш йиллари бўлди. Низом ул-Мулк илм-фан, адабиёт ва санъатнинг ҳомийси эди. У Басра, Ҳирот, Нишопур, Бухоро, Самарқанд ва Бағдодда диний мактаблар (Низомия) очган.² Товар-пул муносабатларининг ривожланишига ҳисса қўшган савдо-сотикнинг ривожланиши савдо ва ҳунармандчилик қатламларининг бойишига ва аҳолининг қолган қисмининг қашшоқлашувига олиб келди. Бу сафар ҳам қаттиқ диний кураш даври бўлиб, турли мазҳаблар фаолиятини жадаллаштирди, улар томонидан бошқа ақидалардан қабул қилинган қарашларни эътироф этди.

Алломани буюк қилган ва унинг дунёқарашини шаклланишига ғоявий манбалар бўлмиш асосий ўчоқлар куйидагилар:

1. Жувайний ташкил этган ашарийлар мактаби. Ашарийлик туфайли мутафаккирда дунёқараш ва шофеийликмазҳабининг танланиши расмийлашди. Бунда фалсафа ҳам алломанинг қарашлари шаклланишида тутган ўрни ва кўплаб илмий масалаларда ечим топилишига сабаб бўлган.

2. Ғаззолийнинг «Тўғри тоштарози» (Правильные весы) асарида кўрсатилганидек, Арасту (Аристотель)нинг мантиғи ва силлогизм тушунчалари диний оқимларга айниқса, исмоилийларга қарши курашишда асосий қурол бўлган.

3. Тасаввуф таълимоти билан танишганидан сўнг Ғаззолий қарашларида охириги чизгилар белгиланган, яъни унинг дунёқарашини тўла шаклланган. Бу таълимот баъзи масалаларда алломани боши берк кўчалар ва маънавий инқироздан олиб чиққан, ва аллома томонидан киритилган баъзи ўзгаришлар билан бирга давлат мақомига етишди.

Абу Хамид Ғаззолий табақавий иерархия, яъни табақаланиш, тоифаланиш кучли бўлган ўрта асрларда яшаб ижод қилган. Ғаззолий жамиятни ўзаро боғлиқ механизмга ўхшатиб, бундай механизмда, инсон унда яқка ҳолда қолиши мумкин эмаслиги, барча одамларнинг ўзаро муносабатлари чамбарчас боғлиқлигини айтиб ўтган. Ғаззолий одамларнинг ўзаро муносабатлари ҳақида бундай фикр билдирган: «Меҳр-муҳаббат ва оқибат туфайли улар бирлашиб, шаҳарлар ва давлатлар қуришган, бир - бирига яқин тош уйларда қўшни бўлишган, ўз ўрнида ҳамма жойда бозорлар ва хонадонлар ҳамда барча муносабатлар мавжудки, уларни санаб ўтиш учун кўп вақт талаб қилинади»¹. Инсонлар руҳиятининг ўзаро тушунганлигини ва алоқадорлигини белгилаб Ғаззолий бундай каромат юқоридан белгилангани,

¹ Абу Хамид ал-Ғазали. Воскрешение наук о вере. Перевод с арабского, исследование и комментарий В.В. Наумкина. М.1980. 17 Б.

² Ўша ерда. 19 Б.

³ В.В. Наумкин Абу Хамид Ғазали. Воскрешение наук о вере (Ихйаулум ад - дин). Перевод с араб., исследование и комментарий. Москва: «Наука» 1980.С.181

яъни Оллоҳ томонидан инсонларнинг бир бирига ўхшаган ҳолда яратилиши, шу туфайли биргаликда ҳаракат қиладилар, яшайдилар, бир-бирларига ёрдам берадилар, деб айтади

Мутафаккирнинг барча изланиши шак-шубҳасиз билимларни ўрганиши уларнинг ота-оналар, ўқитувчилардан олган билимлари асосида барча билимлардан, уларнинг фарқлари туфайли воз кечишига олиб келди. У «Китоб ал-илм» номли бутун бир асарни ҳам илм тушунчасига бағишлаган. Бу китоб ўз навбатида қуйидаги қисмларга бўлинади: 1) билимнинг қадри, мазмуни ва ўрганиш тушунчаси; 2) барча мусулмонлар учун, шунингдек танланган мусулмонлар учун билим даражалари мавжуд; 3) ўқитувчи ва ўқувчи қандай сифатларга эга бўлиши керак; 4) қадрият ва анъаналар категориялари; 5) илоҳиётчилар ва маълумоти йўқ жамоатчилик учун махсус билим.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Абу Ҳомид Ғаззолий асарларида жамиятнинг фалсафий тушунчаси**» деб аталган. Ижтимоий алоқалар натижасида ҳосил бўлган жамоавий муносабатлар, яъни ижтимоий иқтисодий ҳамда маънавий алоқалар, инсонлар муносабати жамоани жамиятга, инсонларни эса индивидга айлантиради. Инсон ҳар қандай жамият ва жамоанинг асосий аъзоси бўлиб, социум марказида туради, инсонсиз бирор бир жамиятнинг ривожини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди, шунингдек, жамият ҳам инсонсиз ўз аҳамиятини йўқотади. Ғаззолий қарашлари стоиклар мактабига мос келади. Мусулмонларда ижтимоий жамоавий алоқалар сусайиб борган бир пайтда Ғаззолий мусулмонларнинг маънавий асосини яратишга ҳаракат қилганидек, шундай ҳаракатларни Сенека, Эпиктет ва Марк Аврелий каби стоиклар ўзаро низолар ич-ичидан парокандаликка олиб келган жамиятни бирлаштиришга уринишган. Уларнинг қарашларида яна бир ўхшаш томон, яъни инсоннинг илоҳий куч билан боғлиқлиги, масалан, Оллоҳ, Ғаззолий фикрича, ижтимоий-жамоавий алоқаларда бошидан мавжудлигини айтиб қуйидагиларни белгилайди:

«Новвой хамир қоради, тегирмончи буғдойни яхшилайти, ғаллакор ғалла ҳосилини йиғиштирганда уни яхшилайти, темирчи деҳқоннинг меҳнат қуролини яхшилайти, дурадгор темирчи асбобини яхшилайти, шу пайтда барча косиблар ва ҳунармандлар озиқ-овқат қуролини яхшилашади, пайғамбарлар ордидан эргашадиган ва танийдиган уламоларни, уламолар давлат арбобларини ва давлат ҳукмдорларини яхшилайдилар, фаришталар эса пайғамбарларни, шу тариқа Илоҳий кучгача, яъни Оллоҳгача етиб боради. Бундай алоқалар ҳар қандай жамиятнинг боғловчи воситаси бўлиб, ривожланиш ва янгилиниш асосини ташкил этади, бунда тартиб ва тақсимланиш рўй беради, унда инсон ўз ўрнини топади»¹. Абу Ҳомид Ғаззолий бу билан жамиятда меҳнат тақсимотини аниқлаб беради, меҳнатсиз турмуш кечириш мумкинмаслигини, тараққиёт бўлмаслигини, одамларнинг бир ҳудудда яшаб, одимлаб боролмасликларини, бунга асосий таянч бўлмиш Оллоҳ борлиги, яъни илоҳий кучнинг мавжудлигини таъкидлайди, шу билан

¹В.В. Наумкин Абу Хамид Газали. Воскрешение наук о вере (Ихйаулум ад - дин). Перевод с араб., исследование и комментарий. Москва: «Наука» 1980.182 Б.

бирга мусулмон теологияси нуқтаи назаридан жамият тушунчасига баҳо беради.

XI-XII асрдаги мусулмон олами жамиятнинг ҳар бир аъзоси хатти-ҳаракатларларини белгилаб берган. Ўша даврда ҳукмронлик қилган ислом дини жамиятнинг ахлоқий нормаларини аниқлаб берган ва улар жамиятдаги муносабатларнинг асоси бўлган. Ғаззолий ислом дини позициясини белгилаб шундай ёзган: «Дин – бу ахлоқнинг асоси бўлиб, ундан кадриятлар, фазилятлар ва ахлоқнинг юксак намуналари келиб чиқади»².

Ғаззолийнинг бундай мулоҳазалари ўша даврдаги моддий бойликдан баҳраманд бўлиш авжига чиққан, бойлар ва амалдорлар ортиғи билан ҳашаматли умргузаронлик қилишга, бу исломга зид бўлган урф одатлар ва ҳулқ-атвор нормаларини олиб келган хорижлик жорияларни сотиб олишга ошиққан давр талабига жавоб эди. «Чунки ҳозирги давр – инсонлар ўртасидаги иймон парокандалиги даври ва бу давр ёлғончи даврдир»³. Бундай иллатлар таъсири остида жамиятдаги ахлоқ ва одоб тушкунликка юз тутади, турли ахлоқбузарлик ва маънавий бўшлиқлар юзага келади. Мусулмон жамиятининг маънавий аҳволи инқирозга юз тутган эди. Абу Ҳомид Ғаззолий жамиятга катта масъулият юклаб: «Агарда жамият ўз аъзосига нисбатан бефарқлик қилган бўлса ва бунга йўл қўйган бўлса, агар жамият аъзоси ўғрилиққа борган бўлса, унда жавобгарлик жамият ва унинг бефарқлигига тушиб бунда жавобгарлик бу учун лоқайд ва бепарво жамиятга эмас, балки унинг йўлдан адашган аъзосига юкланади»⁴.

Инсонлар бир-бирларига нисбатан юқори маънавиятли ва хушфеъл бўлишлари керак. Бунинг исботи сифатида аллома пайғамбаримизнинг сўзларини ибрат қилиб келтиради: «Мусулмон биродарларига ёрдам бермоқчи бўлган инсонларга иймон йўлида курашган ва муқаддас жангда иштирок этганлар каби фазилятлари инобатга олинади», дейди.

Ғаззолий жамоат ва жамият жипслиги ҳамда яхлитлиги тарафдори эди. Бундай жамоатда жамият вакили ўз биродарлари зарарига ишламаслиги, қилган хатолари учун эса жамият ғазабига дучор бўлиши, жазоланишидан қўрқиши керак, қолаверса, ҳар бир инсон жамият қўллаб-қувватлашини ҳис этиши керак, дея фикр юритади. Ғаззолий асарларида пайғамбаримиз вафотидан сўнг тарқаб кетган, мазҳаб ҳамда турли диний оқимларга бўлинган мусулмон ҳамжамиятини бирлаштиришга интиланган. «Эй одамлар! Биз сизларни эркагу хотинга ажратиб қўйдик, сизларни турли миллатлар ва элатларга бўлиб қўйдик, токи бир-бирингизни билинг, деб. Оллоҳ наздида сизнинг энг олий – жанобингиз мўминлардир. Оллоҳ ҳамма нарсани билгувчи ва кўргувчидир»¹.

Ғаззолийнинг асарларидан бирида келтирилган сурага кўра фикрича, инсонлар қандай ижтимоий шароитда яшамасин, яъни яхши кунларида ҳам, ёмон кунларида ҳам ўзларининг бошланғич ва ўзаро боғлиқ алоқалари

¹Абу Хамид аль-Газали. Веса деяний и другие сочинения: Пер. с арабского А. Минияновой, С. Сагадеева. Москва: «Ансар», 2007. 137-156 Б.

² Абу Хамид аль-Газали. Веса деяний и другие сочинения: Пер. с арабского А. Минияновой, С. Сагадеева. Москва: «Ансар», 2007. 204 Б.

³Аль – Газали М. Нравственность мусульманина. Пер.с арабского А.И. Рустамова. 2003. www. islamua. Net.15 Б.

⁴Аль – Газали М. Нравственность мусульманина. Пер.с арабского А.И. Рустамова. 2003. www. islamua. net. 97 Б.

ҳақида унутмасликлари керак. Улар фақатгина бирлашиб ва баҳамжихат бўлиб яшаганларида жамият илгарилаб тараққий топиши мумкин. В.В.Наумкин бу ибораларга изоҳ бериб қуйидагиларни айтади: «Ғаззолий тараққиёт ғояларини илгари суради. Бу мукамаллик концепциясида ифодаланади, бундай концепция инсонни тараққиётга олиб боради, бу йўл эса, ақлий ва ахлоқий комиликка етаклайди»². Абу Ҳамид Ғаззолий ўз асарида ҳукмдорнинг жамиятда устунликка эришиши ва ҳақиқий ҳукмдор бўлиши мезонларини умумлаштиради.

Бу мусулмон жамоалари исломнинг турли диний мазҳаблари ўртасида низолар мавжуд бўлган даврдаги мушкул вазифа эди. Абу Ҳомид Ғаззолий бу вазифани ечишни суннийликдаги анъанавийлик ва тасаввуфни яраштирган ҳолда уддалади.

Ғаззолийнинг мафкуравий талқини орқасида жамиятнинг турли курашаётган кучлари турган бир-бирига зид бўлган икки мазҳабини яраштириш ва бирлаштириш соҳасида амалга оширилган. У бу вазифани жамиятнинг диний ҳаётида жамиятнинг фойдасини кўзлаб ҳал қилди ва уни тўғри ўзанга йўналтириб билди. Муҳаммад Ғаззолий ўз асарида ҳукмдорнинг жамиятда қандай қилиб устунликка эга бўлиши ва ҳақиқий ҳукмдор бўла олиши мезонларини умумлаштиради.

«Дин – подшоҳ томонидан, подшоҳ қўшин томонидан, қўшин пул билан, пул мамлакатнинг ривожланиши билан мамлакат инсонлар ўртасидаги адолатда курилади»³. Мутафаккир зулмни қоралаб, ўз мамлакатини адолатли бошқаришга ҳаракат қилади. Мамлакат тараққиётида, ўзининг, авлодининг тинч-тотув яшашида асосий рол ҳукмдорга топширилади ва Ғаззолий ўзининг асарида шуни таъкидлайдики, ҳукмдор ўз бўйсунувчиларидан итоат ва бўйсинишни ва қатор ғалабаларга эришишни мусулмон жамияти раҳномолигида. У шоҳни мақсадларига эришувчи деб тасвирлайди. Биринчидан, шоҳнинг ҳақиқатпарварлиги бу ўзига ва қўл остидагиларга бўлган адолатидир. Иккинчидан, шоҳ иймонга яқин бўлиши керак: «ҳукмдор иймонни яхши кўрадиган мўмин бўлиши керак. Ҳукмдор ва иймон бир хил қориндан туғилган икки ака-ука каби эгизакдир ва дин ишларига қатнашиб, фарзларни ўз вақтида адо этиши лозим». Ғаззолий ҳукмдорнинг чекланмаган монархияси остида яшаган бўлиб бу ерда дин муҳим рол ўйнаган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Мутатафаккир асарларида ахлоқ ва ижтимоий муносабатлар масалалари**» деб номланади. Бу бобда маънавият асослари ва мезонлари кўриб чиқилган. Ғаззолий асарларида асосан, маънавиятни дин билан боғлаб кўриб чиққан. Мусулмон эркак ва аёл ахлоқи, маънавияти аллома асарларида марказий ўринни эгаллаган.

Алломанинг фикрича, инсон маънавиятининг асосий манбаси Қуръон ва пайғамбаримиз Муҳаммад Ҳадисларидир. «Мен фақатгина ахлоқнинг олийжаноблигини мукамаллаштиришга юборилганман»¹. Ғаззолий

¹В.В. Наумкин Абу Хамид Газали. Воскрешение наук о вере (Ихйаулум ад - дин). Перевод с араб., исследование и комментарий. Москва: «Наука» 1980. 84 Б.

² Абу Хамид аль – Газали. Наставление правителям и другие сочинения. Пер. с арабск., персидск. М.: Ансар, 2005.,55 Б

³ Аль-Газали М. Нравственность мусульманина. Пер. с арабского А.И. Рустамова. – К.: Ансар Фаундейшн, 2003. С.5 Книга из библиотеки сайта www. Islamua.net. 97 Б.

мусулмонлар ҳаётида пайғамбарнинг ролини белгилашда Муҳаммад пайғамбарнинг нутқини келтиради. Инсонлар туғилганларида яхши хулқ билан туғилмайдилар, бундай даражага аста-секинлик билан эришадилар. Бунинг сабабини аллома Қуръони Каримда, пайғамбаримиз Ҳадисларида, диний маросимларда кўради. Ҳақиқий мўмин-мусулмон бу амалларни бажарсагина ва амалга оширсагина мўминга айланади. «Баъзилар ўзларини мусулмон билиб енгилтаклик билан, яъни юзаки амалларни бажаришади, шу билан бирга жамиятда ўзларини ҳақиқий мусулмон қилиб кўрсатишга уринади, бу эса ўз ўрнида ҳақиқий мусулмон, мўмин бўлиш ахлоқий нормаларига мос келмайди»². Агар ўзингиз барча амалларни бажармасдан туриб бошқаларга маслаҳат берсангиз, унда сиз мўмин-мусулмон бўлмайсиз.

Ғаззолий фикрича, маънавият ислом динидан келиб чиқади: «Маънавиятнинг роли ўта муҳимдир. Шунинг учун уларга тўғри амалларни кўрсатиб бориш лозим. Чунки яхши амаллар нафақат тилимиз, балки дилимиздан жой олмоғи даркор, чунки покизалик ва маънавий етуклик яхлит бир занжирнинг ажралмас бўғини, яъни занжирни ўзаро боғловчи қисмидир»³. Аллома бу билан маънавиятни динсиз тасаввур қилиб бўлмайди, деб эътироф этади. Ғаззолий маънавият ва ахлоқни маълум даражада исломдан келиб чиқадиган бир илоҳий нур деб билади. Муҳаммад(с.а.в.) пайғамбар томонидан айтилган ҳадислардан бири қуйидагича «Менинг ахлоқимга риоя қилмайдиган ва мени эсламайдиган киши жаннатга бўлган йўлни йўқотади»⁴. Арабларнинг ягона дин остида бирлашишларидан сўнг Муҳаммад (с.а.в.) жамиятни бошқаришни ихтиёр этди.

Ислом инсонлар ўртасидаги муносабатларнинг асосий тартибга солувчиси бўлиши керак эди. Айнан ахлоқий нормаларга таянган ва хулқ-атвор билан боғлиқ бўлган дин ҳар бир аъзонинг хатти-ҳаракатини белгилаб берган. Шундай қилиб, ахлоққа ижтимоий муносабатларнинг асоси деб берган мулоҳазаларимизни сарҳисоб қилиб қуйидаги хулосани чиқариш мумкин:

Ахлоқ Ғаззолийда аввалдан мусулмон жамиятини тартибга солувчи дин ва ахлоқий нормалар тўплами билан чамбарчас боғлиқдир. Пайғамбарнинг кўрсатмаларига дастлабки исломга мурожаат қилиб аллома анъанавий суннийликни тасаввуф билан боғлайдиган ахлоқий нормалар тўпламини яратади. Шунингдек у ўзида юқори ахлоқий асос сифатида хизмат қиладиган учта асосий кучни: ақл, истак ва ғазаб кучини тарбиялашга ишора қилади.

Унинг моҳиятини аниқ ифода этган ва хотин-қизларнинг ўрни ва ижтимоий вазифалари ҳақидаги тасаввурларини «Насихат ул-мулук» асарининг хулосасида дунёни ўз-ўзини ўйлайдиган одамларсиз инсон зотини қуриб, давом эттириб бўлмайди, деган фикр келтирилади.

¹ Аль-Газали М. Нравственность мусульманина. Пер. с арабского А.И. Рустамова.–К.: АнсарФаундейшн, 2003. 6 Б.

² Аль-Газали М. Нравственность мусульманина. Пер. с арабского А.И. Рустамова. – К.: АнсарФаундейшн, 2003. 7 Б.

³ Абу Хомид Ғаззолий. Мукошафат ул-кулуб (Калблар кашфиеги). Араб.таржимон Миразиз Аъзам.-Тошкент: «Янги аср авлоди», 2004.85 Б.

Ислом ақидасининг фазилатли аёлни шакллантириш, мустаҳкам ва соғлом оила, юксак оила фаровонлигини таъминлаш мезони сифатидаги ролини улуғловчи, Ғаззолий албатта, аввало, хотин-қизларнинг таъсири ва инсоният ахлоқининг ривожланиш даражасини назарда тутган. Бу бизга илмий асосланган ва келажакда ривожланган жамиятда иймон асосий фуқаролик манфаатларини акс эттиради, айниқса, агар кучли позицияли йўналтирилган иймон, бу фикрни даъво қилиш имконини беради, кучли у маънавий томони ва аёллар ўз-ўзини англаш нафақат унинг таъсири, унинг ижтимоий ҳолати ва аҳамиятини ривожлантириш, оила, ва унда эркаклар ва аёллар ўртасидаги муносабатлар ҳақида айтиб ўтган. «Мизан ул-амал» асарида Ғаззолий ҳақиқий эркак қандай фазилатларга эга бўлиши кераклигини таъкидлаб, эркакларга ўзи танлаган аёлга муносиб эр бўлишни маслаҳат беради.

Ғаззолийга кўра ҳар бир одам қуйидаги тоифаларга ажратиладиган ғазаб туйғуларига эга: мақтовли, ёмон ва ҳаром. Энг яхшиси, мақтовга сазовори сифатида файласуф рашкни ва содир бўладиган гуноҳ олдида ғазабни эътироф этади: «Биринчиси, рашк ҳисобланиб, бунда эркак ўзининг аёлларига мумкин бўлмаган эркаклар билан мулоқотга киришларига монелик қилади. Иккинчиси динни муҳофаза қилиш ва у учун ўч олиш истагидан келиб чиқиб дакки бериладиган киши ва гуноҳни кўргандаги ғазаб»¹. Лекин шу билан бирга Ғаззолий ғазабининг намоён бўлишида шошилмасликни талаб қилади, чунки ҳатто ғазабга ҳам рухсат этилган нарсаларнинг чегаралари бор. Бу, айниқса, Маликшоҳнинг кўрсатмасида, жинойтчини қаттиқ жазолаган ҳолда, ўзини тузатишга ва ғазабланмасликка, сабрли бўлишни маслаҳат берганида яққол кўринади. Чунки, сабр кўрсатганингизда ўзингизни тўғрилаб, ўзингизни назорат қилишни ўрганниб, жаҳлингиз чиққанда эса ўзингиз ва жинойтчига зарар етказишингиз мумкин. Ғаззолийнинг фикрларини давом эттириб ғазаб салбий туйғу сифатида қуйидаги оқибатларга олиб келишини таъкидлаш лозим: «ғурур, такаббурлик, илтифотсизлик ва бу ҳаёт лаззатлари билан боғлиқ бошқа муҳим бўлмаган нарсалардан келиб чиқадиган ғазаб»¹.

ХУЛОСА

Олиб борилган тадқиқот натижасида қуйидаги назарий хулосаларга келинди:

1. Абу Ҳомид Ғаззолий Шарқ халқларининг фалсафий ва теологик ғояларини илгари сурган олим бўлиб, ўрта асрлар даврида яшаб ижод қилган буюк қомусшунос олимлар сафида муҳим ўрин тутди. Унинг дунёқараши шаклланишига Аббосийлар халифати давридаги ижтимоий-сиёсий муҳит алоҳида ўринга эгадир.

2. Ғаззолий илмий меъроси етмишдан ортиқ асарларни ўз ичига олиб, уни саккизта гуруҳга бўлиш мумкин: 1) теологик асарлар; 2) фикҳ

¹ Абу Хамид аль-Газали. Веса деяний и другие сочинения: Пер. с арабского А. Минияновой, С. Сагадеева. Москва: «Ансар», 2007. 84 Б.

² Абу Хамид аль-Газали. Веса деяний и другие сочинения: Пер. с арабского А. Минияновой, С. Сагадеева. Москва: «Ансар», 2007. 84 Б.

борасидаги асарлар; 3) мантиқ борасидаги фикрлар; 4) ахлоқ борасидаги фикрлар; 5) ижтимоий-сиёсий қарашлар; 6) фалсафий асарлар; 7) сўфизм борасидаги фикрлар; 8) адабиёт.

3. Ғаззолий ўзининг сиёсий қарашларида мусулмон давлатчилиги назариясидан келиб чиққан. Унинг концептуал ёндашуви жамиятнинг тузилиши борасидаги билимлар билан кифояланиб қолмай, балки унинг структураси ва ривожланиш қонуниятларини ҳам ўз ичига олган. Ғаззолий мусулмон ҳамжамиятида ахлоқий нормаларини ва ўзини муносиб тута билиш принципларини ҳам таклиф этган. Давлат тузилишининг халифат шаклини ҳимоя қилиб, унинг барча жабҳаларида мустақамлаш ва ҳимоя қилиш йўллари кўрсатиб, жамият тараққиётининг тўрт усулини белгилаб берган: пайғамбарлар сиёсати, имомлар ва султонлар сиёсати, мўмин - уламолар сиёсати ҳамда мўминлар сиёсати. Жамият ахлоқини сақлаш учун Ғаззолий ўзининг «хукмдорлар ўгити» (наставление правителям) вариантини таклиф этади.

4. Умуман олганда, Ғаззолий таклиф этган тизим идеалистик тизимдир. Унинг онтологик таълимоти эманация назариясига асосланган. Олим фалсафасининг мазмуни ҳам шундаки, борлиқнинг ва жамиятнинг тараққий этаётган олий даражот, аввалам бор, Оллоҳдир, ҳеч қандай табиат қонунлари эмас. Ғаззолий позициясининг мазмуни шундаки, у икки хил – фалсафий ва теологик ёндашувларни кўриб чиққан. Биринчиси ақлни чархлайди, яъни эманацияга юз тутади, иккинчиси эса бу руҳ ва табиат. Эманация назариясининг рад этилиши, кейинчалик унга яна қайтиши Ғаззолийда теологик ва фалсафий қарашларининг ички кечинмаларидаги курашидадир.

5. Инсон муаммолари таҳлилида Ғаззолий инсон қалбидан, руҳиятидан келиб чиқади, сабаби – бу ҳаётий факторлар юритгувчисидир. Ғаззолий инсон қалбини, руҳиятини мустақил куч деб билади ва шу сабабли қалбни, руҳни ўсимлик, ҳайвонот ва ақлли руҳларга бўлади.

6. Унинг ахлоқий қарашлари, асосан, шарият ва сўфизмга асосланган.

7. Ғаззолийнинг теология, сўфизм ва фалсафа соҳасидаги ижодиёти Шарқ ва Ғарб фалсафий қарашларининг ривожланишига келажак авлодларнинг ижтимоий ривожланишига катта таъсир кўрсатди.

8. Мусулмонлар исломнинг дастлабки мафкурасини танлаш учун мантиқий уни осонлаштирди.

9. Халифалик давлат мафкурасини танлаш, марказий ҳокимиятнинг пойдеворини бузадиган диний мазҳаблар ва ҳаракатларнинг талқинларини ифодалаш масаласини ҳал қилади.

10. Ҳар бир аъзони маънавий жиҳатдан такомиллаштириш орқали мусулмон жамоаси маънавий янгиланади.

11. Ғаззолий ўзининг асосий вазифасини ҳал қилди: юнон илм-фани ва Ислом ўртасида сўфийлик асосида зиддиятни бартараф этди.

12. Тасаввуфга фатво берган Ғаззолий замонидан бери ушбу мафкура оммага тегишли бўлган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.F.02.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА НАУК ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

САЙФИЛЛАЕВА ДИЛФУЗА КАХРАМОНОВНА

СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЕ ВЗГЛЯДЫ АБУ ХАМИДА ГАЗАЛИ

09.00.03 - История философии

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ НА СОИСКАНИЕ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА
ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по философским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2018.4. PhD/Fal239.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский) на веб-странице (www.samdu.uz), по адресу www.ziynet.uz информационно-образовательного портала «ZiyoNet».

Научный консультант:

Сафарова Нигора Олимовна,
доктор философских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Хажиева Максуда Султановна
доктор философских наук, профессор

Хошимхонов Мумин Хошимхонович
доктор философских наук (DSc), доцент

Ведущая организация:

Каршинский Государственный университет

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2020 г. в ____ часов на заседании ученого совета DSc.03/30.12.2019.F.02.02 при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский проспект, 15. Тел.: (8366) 235-19-38, 235-64-90; факс: (8366) 231-15-86, (8366) 235-27-24; e-mail: rector@samdu.uz Самаркандский государственный университет Исторический факультет, 1-этаж, конференцзал).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована под № ____). Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский проспект, 15. Тел.: (8366) 235-19-38, 235-64-90; факс: (8366) 231-15-86, (8366) 235-27-24.

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2020 года.

(протокол реестра № ____ от « ____ » _____ 2020 года).

С.К. Каримов

Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
доктор философских наук, профессор

Х.А.Джуракулов

Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор философии (PhD), по филос.н.

С.А.Чориев

Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней,
доктор философских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На современном этапе мирового развития человечество сталкивается со многими новыми вызовами и угрозами, которые еще не нашли достойного решения. Предотвращение и решение этих глобальных проблем стало сегодня важной конструктивной задачей. В частности, защита мировой молодежи от таких понятий как «моральная нищета» и «моральная деградация» носит универсальный характер и отвечает интересам народов всего мира. При этом, научно-просветительское наследие великих мыслителей, занимает важное место в духовно-нравственном совершенствовании граждан, в частности молодежи. В особенности, их гуманистические, плюралистические и толерантные идеи, защищающие честь и достоинство человека, являются основным теоретическим источником в образовании, воспитании и просвещении подрастающего поколения. Так как, их духовное наследие имеет гуманистическое значение для упорядочения в современных процессах трансформаций, сохранения общечеловеческих ценностей.

Осуществляются целевые научные исследования в контексте миротворческой деятельности, научно-духовных, нравственных концепций, гуманитарно-общественных идей мыслителей в развитии мирового научно-философского наследия со стороны международных научных центров. В частности, требуют внимание фундаментальные исследования проводимые по значению социально-нравственных категории (патриотизм, гуманизм, любовь к Родине, нравственность) в культурном и просветительском значении, о месте взглядов великих мыслителей в системе духовности. Так как вопрос эффективного использования научных, религиозных, социально-философских идей великих мыслителей в развитии общечеловеческих культурных ценностей, расширении идейно-духовного мировоззрения у молодёжи, формировании мира и стабильности остаётся актуальным объектом исследования.

Наряду с проводимыми в нашей стране широкомасштабными реформами во всех сферах уделяется особое внимание изучению научно-духовного наследия великих мыслителей и их пропаганде с научной точки зрения. «Бережно храня мудрость прошлых поколений, мы осознанно идём на решительные реформы, привержены формированию нового облика страны»¹. Объективной необходимостью является системное исследование концептуальной сущности научного наследия Абу Хамида Газали, направленного на воспитание молодого поколения, в духе уважения духовного наследия нашего народа и преданности ценностям нашей Родины.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит в выполнении задач, выдвинутых в Указе Президента №УП-4947 «О

¹ Выступление Президента Республики Узбекистан Ш. М. Мирзиёева на 72-сессии Генеральной Ассамблеи Организации Объединенных Наций. // <http://www.press-service.uz/uz/lists/view/>

Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, Постановлении Президента №ПП-2995 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и пропаганды древних письменных источников» от 24 мая 2017г. и в постановлении за №ПП-3160 «О повышении эффективности духовно-просветительской деятельности и поднятии на качественно новый уровень развития сферы» от 28 июля 2017г. и в других нормативно-правовых актах.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данная диссертация выполнена в соответствии с приоритетом развития науки и технологий в Республике Узбекистан I. «Формирование системы социальных, правовых, экономических и инновационных идей в информационном обществе и демократическом государстве».

Степень изученности проблемы. В конце XIX века возрос интерес к творчеству Абу Хамида Газали начались в Европе. Немецкий исследователь Р.Гуце в книге «О жизни и творчестве Газали» пишет о 40 книгах Газали, а Д.Б.Макдональд в статье «Жизнь Газали», которая была опубликована в 1899 г. в журнале «Собрание американских востоковедов», говорит о 72 работах мыслителя. В.Р.Гарднер в книге «Творчество Газали», даёт анализ некоторых произведений Газали. Еще одним из западных ученых, изучавших сочинения Газали можно назвать французского исследователя, Г.Лауста, который рассматривал взгляды Мухаммада Газали об этике в своей книге «Политика и Газали»¹. А также японский ученый Кожиро Накамура в своей докторской диссертации раскрыл гносеологические взгляды Абу Хамида Газали.

Наряду с ученими в Содружестве Независимых Государств в освещении содержания - сущности суфийского учения нижеследующие фундаментальные исследователи:

